

**ХУДУДЛАРДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ТУРМУШ  
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ**

**Сайдмуродов Мамур Таирович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*Самарқанд филиали асистенти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада қишлоқ худудларида аҳолтни бандлигини ошириши ва тадбиркорлик фаолиятини кўрсатиши, ривожланишининг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, соҳани ривожлантириши бўйича кейинги қабул қилинган қонуний-меъёрий ҳужжатлар, уларнинг мазмун ва моҳияти ёритилиб, илмий тавсиялар келтирилган.

**Аннотация:** В данной статье анализируются организационно-экономические показатели занятости, занятости и предпринимательства в сельской местности. Кроме того, представлены принятые впоследствии нормативно-правовые документы по развитию отрасли, их содержание и сущность, научные рекомендации.

**Annotation:** This article analyzes the organizational and economic indicators of the development of small business and private entrepreneurship in the service sector. In addition, the subsequent adopted legal and regulatory documents on the development of the industry, their content and essence, and scientific recommendations are presented.

**Калит сўзлар:** банд бўлмаган аҳоли, ишсизлик, иши ўринларининг энг кам сони, меҳнат ресурслари давлат томонидан тартибга солиши, қўллаб-қувватлаш, иқтисодий механизмлар назарияси.

Меҳнат дунёсидаги улкан муаммолар, жумладан, доимий тенгсизликлар ва истиснолар глобал бандлик ва ижтимоий тенденцияларнинг аниқ расмини яратишни ҳар қачонгидан ҳам мухимроқ қиласди. Бугунги сиёsat муаммоларини ҳал қилиш учун керак бўлганда инновациялар билан бирга бизнинг услубларимиз ва концепсияларимизнинг мувофиқлиги ҳақида танқидий фикр юритишни талаб қиласди. Сўнгги йилларда дунёнинг 11 субмintaқасидан еттитасида 2019-йилда норозилик намойишлари кўпайди, бу эса ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий вазиятдан норозилик кучайиб бораётганидан далолат беради. Ушбу ҳисоботнинг умумий мазмуни шундан иборатки, бугунги қунда бутун дунё бўйлаб тўлиқ бандлик ва турмуш даражасини ошириш мақсадлари ҳар доимгидек мухим аҳамиятга эга<sup>17</sup>.

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг туб мақсади–инсонларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш орқали уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишдан иборатdir.

<sup>17</sup> [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms\\_734479.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_734479.pdf)

Табиийки, бундай мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари барпо этилади ва аҳоли бандлиги таъминланади. 2019-2021 йилда **иқтисодиёт соҳасида** замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислоҳатларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни қўйдик.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг хуқукий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шиҷоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунарлар, IT-технологияларни ўргатиши, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортик ёшларга дехқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битиравчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, еҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда кулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил етган тадбиркорлик субектлари фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида 2021-йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5094 –сонли қарори қабул қилинди<sup>18</sup>.

Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган **янги иш ўринларини ташкил этиш** масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ти қарорни имзолади.

<sup>18</sup> <https://lex.uz/docs/-5394867>

2019 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш обьектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 370 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди<sup>19</sup>. Бундан ташқари меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва исҳизиз фуқароларни замонавий касб-хунар ва тадбиркорлик кўнкимларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағал ва исҳизиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилисҳ, уларнинг меҳнат фаоллигини осҳирисҳ ва касб-хунарга ўқитисҳга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминласҳга оид қўсҳимсҳа схоратадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4804-сонли қарори қабул қилинган<sup>20</sup>.

Республикамизда аҳоли бандлигини таъминлаш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса касаначилик меҳнатини ривожлантириш ҳамда ролини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 апрел ҳолатига 42762 та кичик корхона ва микро фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми соҳасига савдо 1572 та (38,1 фоизи), саноат 516 та (19,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 372 та (9,2 фоизи), қурилиш 113 та (7,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 288 та (9,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади<sup>21</sup>.

### Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳатларнинг чукурлаштирилиши шароитида Самарқанд вилоятида Қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш йўллари масалаларини ўрганиш қўйидаги хулосаларни қилиш имкониятини берди:

Аҳолининг фаровонлик даражасини аниқлаштириш учун демографик жиҳатдан гуруҳларга ажратиш нуқтаи назаридан аниқ статистикани шакллантириш ва шунга мос тадқиқотларни амалга ошириш.

2. Қисқа муддатли даврда эътибор берилиши лозим бўлган чора- тадбирлар:

- аҳолининг истеъмолини арzonлаштириш, яъни давлат ва “айрим” тадбиркорларнинг монополиясини фавқулодда тугатиш;
- электр таъминотининг узлуксизлигини амалга ошириш, муқобил энергиядан фойдаланишни жадаллаштириш;
- харажатларни қисқартириш, яъни кўп даромадга эга бўлмаган шароитда жамиятда тежамкорлик тамойилини жорий этиш;
- венчур фондлари ишлаши учун шароит яратиш;

<sup>19</sup> <https://qalampir.uz/news/2019-yilda-370-mingdan-ortik-yangi-ish-urinlari-yaratiladi-prezident-k-arori-1236>

<sup>20</sup> <https://lex.uz/ru/docs/-4945748>

<sup>21</sup> <https://samstat.uz/uploads/Press-relyzlar/2022/kichik%20biznes/Mart.pdf>

норасмий иқтисодиётни қисқартириш.

Амалга оширилган аҳоли бандлигига таъсир этувчи омиллар таҳлилидан келиб чиқиб, мамлакатимиз меҳнат бозоридаги меҳнат ресурслари бандлиги даражасини ошириш учун қуидаги йўналишдаги фаолият талаб этилади деб ҳисоблаймиз:

1. Иқтисодиётга тармоқ ва соҳалар, шу билан бирга ҳудудий ёндашув асосида жалб этилаётган асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ҳисобига янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда мавжуд субъектлар фаолиятини кенгайтиришорқали янги иш ўринлари сонини кўпайтириш.

2. Аҳолининг табиий ўсиши ҳисобига ҳар йили меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига қўшилиб бораётган миқдорни ҳудудий ва мамлакат даражасида амалга оширилаётган демографик сиёsat йўналишларини ўзгартириш орқали энг мақбул миқдорга келтирилишини режалаштириш.

3. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот, муассаса)лар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини жорий иқтисодий ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда оптималлаштириш ҳисобига бандлар сони мақбул ҳолга келтирилган корхоналар сонини ошириб бориши.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентиинг ПҚ-5094 –сонли қарори 2021-йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида қилинди. Lex.uz <https://lex.uz/docs/-5394867>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағал ва исҳизз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилисҳ, уларнинг меҳнат фаоллигини осҳирисх ва касб-хунарга ўқитисҳга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминласҳга оид қўсхимсҳа сҳора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4804-сонли қарори 2020 йил 11 август.

3. International Labour Organization. World Employment and Social Outlook – Trends 2020.

4. Ўзбекстонда меҳнат ва бандлик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2020 йил.

5. Абдураҳмонов Қ. Ҳ, Н.Зокирова. Меҳнат истисодиёти ва социологияси – Т.: 2013 йил.

6. Самарқанд шароитида қишлоқ аҳолиси даромадларини оширишда паррандачиликни ривожлантиришнинг инновацион ёндашуви. DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR 867-870 p. 2021